ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. FM/T. 33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НЕБЕСНИЙ АНАТОЛИЙ ФЁДОРОВИЧ

8 БИТЛИ МИКРОКОНТРОЛЛЕР АСОСИДА СПЕКТРОМЕТРЛАРНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

01.04.01 - Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

УДК: 681.513.2

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по техническим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Небесний Анатолий Фёдорович
8 битли микроконтроллер асосида спектрометрларни компьютерлаштириш…… 5

Небесный Анатолий Фёдорович
Компьютеризация спектрометров на базе 8 битных микроконтроллеров……. 23

Nebesniy Anatoliy Fedorovich
Computerization spectrometers on the base of 8-bit microcontrollers …… 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..... 49

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. FM/T. 33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НЕБЕСНИЙ АНАТОЛИЙ ФЁДОРОВИЧ

8 БИТЛИ МИКРОКОНТРОЛЛЕР АСОСИДА СПЕКТРОМЕТРЛАРНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

01.04.01 - Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/T973 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси УзФА Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ашуров Мухсин Хуррамович** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Ражапов Сали Ашурович** физика-математика фанлари доктори
	Вильданов Рамиль Рифгатович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Конструкторлик бюроси ва тажрибавий ишлаб чиқариш илмий –техник маркази, Тошкент ш.**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. FM/T. 33.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган Бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz.

Диссертацияси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19.

Диссертация автореферати 2019 йил «___ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор.

Э.М.Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда микроконтроллерлар (МК) ёрдамида компьютерлаштириш илм-фан, техника ва саноатнинг турли соҳаларида муҳим иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка эришишни таъминламоқда. Компьютерлаштириш – инсон фаолиятининг турли соҳаларида ахборот технологияларни автоматлаштирилишини таъминловчи компьютерларни жорий этиш жараёни бўлиб, унинг мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат шароитларини такомиллаштириш орқали инсон ҳаётининг сифатини яхшилашдир. Спектрал таҳлилни компютерлаштириш – инструментал усулларни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи асосий йўналишларидан биридир. Моддалар структурасини, таркибини ва хусусиятларини таҳлил қилиш барча замонавий технологияларнинг ажралмас қисмидир. Компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш давригача ишлаб чиқарилган кўпгина спектрометрлар ўз хусусиятлари бўйича замонавий спектрометрлардан нафақат қолишмайди, балки баъзи имкониятларига кўра, улардан устунлик ҳам қилади. Уларнинг ягона камчилиги компьютерлаштирилмаганидир. Мазкур масаланинг оптимал ечими – микроконтроллерлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Дунё бўйича микроконтроллерлар ишлаб чиқариш саноатнинг муҳим соҳасига айланган бўлиб, йиллик микропроцессорлар ишлаб чиқаришнинг қарийб 90 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Компьютерлар воситасида автоматлаштиришнинг бошқарув соҳасида оммавий қўллаш даврининг бошланишини МКларнинг пайдо бўлиши билан боғлашади. 1980 йилда Intel МК: i8051ни ишлаб чиқаради. МК процессори учун ташқи қурилмаларнинг муваффақиятли танланганлиги, ташқи ёки ички дастурий хотиранинг мослашувчанлиги ва мақбул нарх-наво бу МКга бозорда муваффақиятга эришиш имконини берди. Шундан бери МК ишлаб чиқарувчилари сони ва уларнинг номенклатураси доимий равишда ўсиб бормоқда. МКни компьютерлар ва экспериментал ускуналар билан биргаликда қўллаш натижасида замонавий физикавий тажрибалар натижаларининг сифати ва уларни таҳлил қилиш тезлиги ошади.

Мамлакатимизда тажриба усуллари ва спектрал таҳлил тизимларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикамизда айни пайтда илмий тадқиқотларда замонавий автоматлаштирилган спектрометрларни қўллаш билан бир қаторда, ўз хусусиятлари билан улардан қолишмайдиган аввал сотиб олинган спектрал ускуналарни компьютерлаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот ишларининг сифатини ошириш ва уларнинг импортга боғлиқлигини камайтириш мақсадида спектрометрларни компьютерлаштириш учун электрон тизимларни ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича

Ҳаракатлар стратегияси[1] дастурида импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастури аниқланган бўлиб, унга кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятларни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида махсус илмий-тажрибавий лабораториялар, юксак технологиялар марказлари, технопарклар ташкил этиш масалаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2018 йил, 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли "Инновацон ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил, 7 майдаги ПҚ-3698-сонли "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги. Диссертация тадқиқотлари республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. "Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спектрометрия асбоблари ва тизимларини компьютерлаштириш вазифаси дунёдаги кўплаб олимлар, масалан, буюк британиялик (Т. Ҳирсчфелд), россиялик (Давыдов А.Е., Ухов А.А., Василева И.Е., Шабанова Е.В., Замятин Н.И.), украиналик (А.Ф.Даниленко) ва бошқа мутахассислар томонидан илм-фаннинг турли соҳаларида спектрометрларни компьютерлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. МКнинг барча мазкур ишларда қўлланилиши уларнинг параметрларини сезиларли даражада оширишга ёрдам берган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик олимлар ҳам (Ашуров М.Х., Гасанов Э.М., Валиев У.В., Коблик Ю.Н., Артёмов С.В. ва бошқалар) спектрометрларни ва бошқа ускуналарни компьютерлаштириш масалаларини ҳал этиш билан шуғулланганлар.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган аппаратура ўз хусусиятлари бўйича ҳозирда ҳам хорижий аппаратурадан қолишмайди, баъзан эса улардан устун ҳам чиқади. Масалан, Совет даврида ишлаб чиқарилган МДР монохроматори асосидаги электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) орқали бошқариладиган универсал спектрометрик ҳисоблаш комплекслари КСВУ-2, КСВУ-6, КСВУ-12 ва КСВУ-23 бунга мисол бўла олади. КСВУ типидаги комплексларнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

бошқарув тизимлари ва дастурий таъминоти ҳам жисмонан, ҳам маънан эскирган, одатда ишламайдиган аҳволда бўлса-да, аммо унинг таркибига кирувчи МДР монохроматорининг ўзи замон талаби даражасида ишлатилиши мумкин. Уларни ишлатилишнинг асосий тўсиқларидан бири – ундаги қадамли восита бўлиб, уни автоматлаштириш учун бошқарувнинг рақамли тизими керак бўлади. Ядро физикавий тадқиқотларда бўлиниш маҳсулотларини (БМ) масс-спектрометр ёрдамида қайд қилиш учун магнит сепораторнинг фокус текислигида жойлаштириладиган бир марта ишлатиладиган қаттиқ жисмли детекторлардан (шиша пластинкалардан) фойдаланилган.

Аммо натижаларни қайта ишлаш кўп вақт сарфлашни талаб қилар эди, чунки бунинг учун шиша пластинкаларни жойлаштириш, уларга маълум вақт БМни таъсир эттириш, детекторларни олиш ва уларга кейинги кимёвий ишлов бериш талаб қилинар эди ва ундан кейин ҳодисалар сони қўлда ҳисоб-китоб қилинар эди. Спектрометрларнинг юқорида санаб ўтилган камчиликлари уларни эксплуатация қилишда муаммоларга ва бир қатор масалаларни ечишда имкониятларнинг чекланишига олиб келади.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот режасининг Ф-2.1.13 "Оптик-тола ва стинтилляцион материалларида ностационар радиацион жараёнлар" (2003-2007), ФА-Ф2-Ф065 + Ф071 "Ўринбосар ва киритма қаттиқ эритмаларда термо ва радиация билан стимуллашган ҳодисалар” (2007-2011), ФА-Ф2-Ф078 "Актинид ядроларининг кластер структураси ва уларнинг массалар тақсимотидаги кучли ассимметрия соҳасида реактор нейтронлари воситасида бинар бўлинишини тадқиқ қилиш" (2007- 2011), Ф2-ФА-Ф112 “Юқори ва паст энергияларда ядровий материя хоссалари ва ҳолатини экспериментал тадқиқ қилиш” (2012-2016), Ф2-ФА-Ф118 “Ионлаштирувчи нурлар детекторлари сифатида қўлланиладиган оксид ва фторид қаттиқ жисм материалларда радиация билан уйғотиладиган жараёнларнинг қонуниятлари” (2012-2016) илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 8 битли PIC18F448 ва C8051F127 МК асосида оптикавий ва ядро спектрометрияси соҳасидаги физикавий тажрибаларни автоматлаштириш воситаларини ишлаб чиқиш ва яратиш, спектрларни, шу жумладан, оптикавий спектрларни гауссианларга ажратиш учун экспериментал натижаларни қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

универсал спектрометрик ҳисоблаш комплекслари (КСВУ-12) электрон тизимини микроконтроллерсиз микросхемалардан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш;

микроконтроллерни бошқариш, реал вақт режимида акс эттириш билан маълумот йиғиш ва уларни қайта ишлаш мақсадида КСВУ-12даги барча электрон қисмларни битта МК модулига алмаштириш;

масс-спектрометр қурилмасининг Si 32 стрипли детекторлар ва бўлиниш маҳсулотларини реал вақт режимида электрон қайд қилишни ўз ичига олувчи модернизациясини амалга ошириш;

қайд қилинадиган БМнинг кинетик энергияси ҳақидаги маълумотлар олиш учун экспериментал маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлашни амалга оширувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва яратиш.

Тадқиқотнинг объектлари дифракцион панжарали монохроматори МДР-12нинг бошқариш тизими, материалларнинг оптикавий спектрлари, Ядро физикаси институти масс-спектрометрининг бошқариш ва БМни қайд қилиш тизими, ^{235}U ядроларининг БМ спектрлари, ВВР-СМ тадқиқот реакторида иссиқлик нейтронлар таъсирида вужудга келадиган ^{235}U ядроларининг БМ спектрларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети МДР-12 монохроматорини персонал компьютер орқали бошқариш, маълумотлар тўплаш ва маълумотларни қайта ишлашни таъминловчи PIC18F448 МКи асосида компьютерлаштирилган электрон тизими, C8051F127 МК асосида ЯФИнинг масс-спектрометрида БМни қайд қилишнинг мульти микроконтроллер тизимида ташкил этилган персонал компьютер орқали бошқариладиган компьютерлаштирилган электрон тизими ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Оптикавий материаллар спектрларида чегарадан ташқарида максимум мавжуд бўлган ҳолатда спектрларни таҳлил қилишнинг спектрометрик усули, ^{235}U ядролари БМнинг чизиқли спектрларини таҳлил қилишнинг масс-спектрометрик усули, эксперимента маълумотларни қайта ишлашнинг математик ва ҳисоблаш усуллари, спектрларни суперпозициялаш усули ва бошқалар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

персонал компьютердан бериладиган буйруқ орқали МДР-12 монохроматорини бошқарадиган, маълумотларни тўплайдиган ва мониторда доимий токда ёки импульс режимида ўлчанган оптикавий спектрларни акс эттирган ҳолда сақлайдиган микроконтроллер тизими ишлаб чиқилган;

чегарадан ташқарида максимуми бўлган оптикавий спектрларни Гаусс ташкил этувчиларига ёйиш учун дастур ишлаб чиқилган;

масс-спектрометр учун ВВР-СМ реактори иссиқлик нейтронлари таъсирида ^{235}U ядроларининг бўлиниш маҳсулларини қайд қилишнинг ҳар бир энергетик спектрини акс эттирувчи 32 каналли мультимикроконтроллер тизими ишлаб чиқилган;

микроконтроллер ва персонал компьютер учун 32 каналли детектрлаш тизимини бошқариш, бирламчи маълумотларни тўплаш ва уларни сақлаш дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошқарувнинг микроконтроллер тизимини қўллаган ҳолда МДР-12 асосида компьютерлаштирилган оптикавий спектрометр яратилган;

ВВР-СМ ядро реакторида ўрнатилган секинлашмаган маҳсуллар масс-сепаратори асосида бўлиниш маҳсулотларини қайд қилувчи компьютерлаштирилган он-лайн масс-спектрометри яратилган;

спектрометрнинг фокал текислигининг чизиқли ўлчамларини M/Z* бирликларидаги координаталарга ўзгарувчи иккинчи даражали полином кўринишидаги аппарат функцияси олинган;

маълумотларни гаусс ташкил этувчиларга ёйган ҳолда қайта ишлаш учун M/Z* шкаласи бўйича бутун спектрни шакллантириш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигига тажрибавий тадқиқотларнинг замонавий усулларини ва ўлчовларни замонавий воситаларини қўллаган ҳолда олиб борилиши, ишлаб чиқилган услубларни спектрларни ўлчашнинг бошқа тизимларни қўллаган ҳолда, қиёсий таҳлил қилиниши, бошқа ускуналардан фойдаланган ҳолда назорат ўлчовларнинг амалга ошириш ва турли тадқиқотчилар олган натижалар билан солиштириш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, ^{235}U ядроларининг иссиқлик нейтронлари таъсирида БМни қайд қилишнинг ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда олинган тажрибавий натижалар жаҳон маълумотлар базасини тўлдиришга ёрдам беради ва бу маълумотлардан ядроларнинг бўлиниши муаммоларини ҳал қилиш бўйича янги назариявий ёндашувларни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Ядроларнинг БМ қайд этиш бўйича яратилган электрон тизими оғир ядроларнинг бўлиниш жараёнларини ўрганиш бўйича тажрибалар қўйиш ҳамда уларни ўтказиш ва бошқа масалаларида талаб қилиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, яратилган компьютерлаштирилган МК тизими илмий ёки таълим муассасаларида спектрометрларни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. 8 битли МК базасида спектрометрларни компьютерлаш бўйича олинган натижалар асосида:

персонал компьютердан бериладиган буйруқ орқали МДР-12 монохроматорини бошқарадиган оптик спектрни сканерлаш учун модул сифатида ишлаб чиқилган микроконтроллер тизимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модель патенти олинган (№ FAP 00570, 2010 й.). Илмий натижаларининг қўлланилиши компьютердан бериладиган буйруқларидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва мониторда доимий токда ёки импульс режимида ўлчанган оптикавий спектрларни акс эттирган ҳолда сақлаш имконини берган;

чегарадан ташқарида максимуми бўлган оптикавий спектрларни Гаусс ташкил этувчиларига ёйиш учун ишлаб чиқилган дастур Ядро физикаси институтида ОТ-Ф2-23 "Кенг зонали оксид ва фторид қаттиқ жисм материалларда генерациявий ва рекомбинациявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари" (2017-2020) фундаментал лойиҳаси доирасида, шунингдек, Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида ФА-Ф2-Ф081 “Қаттиқ жисмли наноўлчамли структураларнинг шаклланиш жараёни механизми ва хусусиятларини ҳамда уларнинг электр ва иссиқлик физикавий, оптик ва магнит хоссаларини тадқиқ этиш” (2008-2010) ва ФЕ2-ФА-Ф155 “Ўтувчи

металлар билан легирланган ZnO даги оптик ютилиш чегарасини тадқиқ қилиш” (2012-2013) фундаментал, А4-ФА-Ф156 «ZnO наноструктура ва органик ярим ўтказгичлар асосида юқори самарали гибрид қуёш элементларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014) амалий лойиҳаларида оптик спектрни сканерлаш учун модуль диффракцион панжарали монохроматор (МДР-12)ни компьютерлашган бошқаруви учун қўлланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2/1255-3252-сонли 2018 йил, 12 декабрдаги хати, Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг 2/1255-3252-сонли 2018 йил 12 декабрдаги хати). Илмий натижаларининг фойдаланиши кенг доирадаги оптикавий материалларнинг оптикавий спектрларини персонал компьютердан бошқариш орқали ёзиб олиш имконини берган;

масс-спектрометр учун ВВР-СМ реактори иссиқлик нейтронлари таъсирида ^{235}U ядроларининг бўлиниш маҳсулларининг автоматик масофавий тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модель патенти олинган (№ FAP 00873, 2012 й.). Илмий натижаларининг қўлланиши 32 стрипли ярим ўтказгичли детектор асосида ^{235}U ва ^{239}Pu ядроларини иссиқлик нейтронлари билан бўлиниш маҳсуллари тақсимотининг масс-спектрометрик тадқиқотларини амалга ошириш учун ядроларнинг бўлиниш маҳсулларини детектирлашнинг компьютерлашган 32 каналли электрон системасини яратиш имконини берган;

микроконтроллер ва персонал компьютер учун 32 каналли детектрлаш тизимини бошқариш, бирламчи маълумотларни тўплаш ва уларни сақлаш учун ишлаб чиқилган дастурлар Ядро физикаси институти ФА - Ф2-Ф078 “Актинид ядроларининг кластерли структурасини ва уларнинг реактор нейтронлари билан бинар бўлиниши жараёнларини кучли ассиметрик масса тақсимоти областида тадқиқ этиш” (2007-2011) фундаментал лойиҳаси доирасида оғир ядролар бўлиниш маҳсулотларини тадқиқот реакторидаги масс-спектрометрида қайд этиш учун қўлланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2/1255-3252-сонли 2018 йил 12 декабрдаги хати). Илмий натижаларининг қўлланиши масса сонларининг A = 125дан A =158 гача ва бўлиниш маҳсулларини ион зарядларининг Z* = 16дан Z* =28гача бўлган қийматларида тажриба маълумотларини замонавий талабларга мувофиқ қайта ишлашни тезлаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларинининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та ихтирога фойдали модель учун патент олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотлар объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши очиб берилган, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Микроконтроллерлар: тарихи, тараққиёти, истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида МК, уларнинг архитектураси, дастурлаш ва дастурни созлаш воситалари бўйича адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинган. Замонавий МКни, шунингдек, компьютерлар ва алоқа интерфейсларини ўз ичига олган тизимнинг ишлашини таъминлайдиган аналог ва аналог-рақамли схемали ечимлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Спектрларни нормал гауссианларга ёйиш учун дастурлаш системасини танланиши асосланган.

Диссертациянинг «**МДР-12 асосидаги оптик спетрометр**» деб номланган иккинчи бобида “Спектрометрик ҳисоблашнинг универсал комплекси–12” (КСВУ-12)ни модернизациялашнинг икки варианти кўрсатилган.

Биринчи вариантда 16 битли “умумий шина”га эга бўлган ДВК-3М типидаги эскирган ЭҲМ ўрнига КСВУ-12га IBM-PC типидаги замонавий компьютерларни улашда вужудга келадиган муаммолари кўрсатилган. IBM-PCни комплексга улаш учун схемаларга ўзгартиришлар киритилган ва ПК билан боғланиш учун ташқи қурилмалар контроллери ишлаб чиқилган. Модернизациялаш натижасида КСВУ-12ни IBM-PCдан бошқаришни таъминлаш мумкин бўлди. Аммо кўпсонли микросхемалар, плато ва боғланиш кабелларининг мавжудлиги комплекснинг ишончли ишлашини таъминлай олмади.

Компютерлаштиришнинг иккинчи вариантида замонавий элемент базасидаги электрон модули ишлаб чиқилди ва тайёрланди. У КСВУ-12нинг деярли барча электроникасини алмаштирди. Модулнинг асосини таркибида RISC архитектура ва ташқи қурилма бўлган PIC18F448-IP МК ташкил этади. МК таркибида таймерлар, аналог-рақамли ўзгартиргич (АЦП), кенглик-импулсь модули (КИМ), универсал асинхрон қабул қилувчи-узатувчи ва бошқа таркибий қисмлар мавжуд. МДР-12 базасидаги МК спектрометрнинг структураси ва схемали ечими қуйидаги иш режимини таъминлайди: 1- юстировкалаш; 2 - оптик спектрни тўлқин узунлиги бўйича узлуксиз сканирлаш; 3 - тўлқин узунлиги бўйича қадамли сканирлаш режими; 4 - бир

тўлқин узунлигидаги вақт бўйича ёйиш. Ўлчаш бошлангандан сўнг, МК модуль (1 - Расм), RS-232 канали бўйича, X2 разъем DD2 схема орқали компьютердан бошқариш сигналини қабул қилади, ФЭУдан аналогли сигналларни рақамлаштиради, МДР-12дан 1 нм белги сигналини қабул қилади ва ишлаб чиқилган маълумотларни компьютерга жўнатади. RD4-RD7 портлари ва VT1:1 VT2:2 куч калитлари орқали КИМ режимида қадамли двигатель (ҚД) ишини бошқаради. ФЭУ S1 ёки S2 разъемларига уланади. ФЭУнинг ток сигнали кучайтиргич – айлантиргичда DA1 микросхемасида ток-кучланишга айлантирилади. Шундан кейин сигнал АЦПнинг AN0 ёки AN1 киришларининг бирига келиб тушади. Агар сигнал импульсли бўлса - ФЭУ S2 киришига уланади ва DA1:2 чиқишидан импульсли кучланиш сигнали DA2 пик детекторига келади. Кейинчалик сигнал АЦПнинг AN4 киришига келади. Сигнал рақамланиб бўлгач, пик детектордан унинг сиғими RA4 порт сигнали билан нолга айлантирилади. Спектрларни сканерлашнинг 10 та тезлиги кўзда тутилган. Максимал сканерлаш тезлиги 120 нм/мин ёки 2 нм/с бўлиб, у 1 нмга ФЭУ сигналини 20 мингдан кам бўлмаган ўлчанишини таъминлайди. Монохроматор рухсат этилган чегарадан чиққанида, МДР-12 энг охирдаги контакти ишга тушади ва min/max линияси бўйича монохроматордан X3 разъеми орқали МКга спектрни сканирлашни тўхтатиш ҳақидаги сигнал келади. Конструктив жиҳатдан модуль ўлчами 90x90 мм бўлган платадан иборат. Энергия таъминоти ПК таъминот блокидан амалга оширилиши мумкин, аммо 5Адан кам бўлмаган токли 12 Вли ташқи таъминот блокидан фойдаланиш афзалроқдир. МК учун дастурий таъминот (ДТ) Microchip компанияси томонидан интеграллашган MPLAB IDE муҳитда ишлаб чиқилган С типида МКни бевосита платода дастурлаштириш орқали бажарилди. ПК учун ДТ Windows XPда ишлаш учун Borland C++ Builder 6да ёзилган.



1-расм. Микроконтроллерли модулнинг принципиал схемаси

2а - расмда биз томонимиздан яратилган система ёрдамида ёзиб олинган ЎзР ФА ЯФИда ишлаб чиқилган визуал рангли суюқ дозиметрининг сувга нисбатан оптик ютилиш спектрлари кўрсатилган. Нейтронлар дозасининг ошиши билан ютилиш полосаси максимумидаги оптик зичлик камаяди. Суюқликнинг ранги ўзгаради, бу эса олинган дозани сифат жиҳатидан баҳолаш имкониятини беради. 2б расмда 540 нм тўлқин узунлигида дозиметрнинг оптик зичлигининг пасайишининг дозадан боғлиқлиги логарифмик масштабда кўрсатилган.



а) б)

2-расм. а- визуал рангли суюқ дозиметрининг дозиметрнинг сувга нисбатан оптик ютилиш зичлиги спектрлари; б - ушбу спектрнинг 540 нмдаги дозавий боғлиқлиги

Кўпчилик ҳолларда маълум бир ускунада ўлчанган оптикавий спектрларни қайта ишлаш жараёнида спектрни унинг чегарасидан ташқарисида мавжуд бўлган максимумни ҳисобга олган ҳолда гауссианларга ёйиш зарурати келиб чиқади. Чегарадан ташқаридаги максимумни спектрометрнинг қайд қилиш соҳаси чекланганлиги туфайли ёзиб олиб бўлмайди. Масалан, оддий спектрометрлар билан вакуум ултрабинафша соҳасидаги спектрни қайд қилиб бўлмайди, чунки ҳаво ёруғлик нурини ютиб қолади. Бу соҳадаги максимум физикавий ахборот бериши мумкин, бошқа томондан эса чегарадан ташқарида максимумнинг мавжудлигини ҳисобга олмаслик спектрни гауссианларга нотўғри ёйишга олиб келади. Айтайлик, кварц шишаларида спектрнинг вакуум ультрабинафша соҳасида максимуми 175 нм атрофида бўлган ютилиш полосаси мавжуд бўлиб, спектр оддий спектрометларда ёзиб олинганида унинг катта энергия соҳасининг кўтарилишига олиб келади, бу спектларни тўғри ёйишга ҳалақит қилади. Ушбу ҳолат гауссианларга ёйишда чегарадан ташқаридаги максимумни ҳисобга оладиган ёйиш дастурини яратишни талаб қилади. 3-расмда нуқталар билан KS-4V маркли кварц шишасининг экспериментда ёзиб олинган ютилиш спектри кўрсатилган, унда 200 нм. дан паст тўлқин узунлигида юқорига кўтарилиш мавжуд бўлиб, у спектр ёзиб олинган чегарадан ташқарида максимум борлигидан далолат беради. Спектрни тўғри ёйиш учун ушбу максимумнинг қийматини билиш талаб этилади. Биз гауссианларга ёйишнинг чегарадан ташқарида максимум борлигини ҳисобга олувчи

алгоритмини ва дастурини ишлаб чиқдик, у тажрибада олинган спектрнинг ёйилгандан кейинги спектрга қаноатланарли мос келишига олиб келди (3-расм, узлуксиз чизиқ).



Нуқталар билан эксперименталь спектр, узлуксиз чизиқлар билан спектрни гаусианларга ёйиш натижаси, узлукли чизиқ билан гауссианларни қўшиш натижаси кўрсатилган.

3-расм. KS-4V маркали кварц шишаси оптикавий спектрини чегарадан ташқаридаги максимум мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда гауссианларга ёйиш.

«Ядролар бўлиниши маҳсулларининг спектрометрияси», деб аталган учинчи бобида ВВР-СМ ядровий реакторининг горизонтал каналига ўрнатилган масс-спектрометрда реактор нейтронлари таъсирида ядролар бўлиниши маҳсуллари (БМ)ни қайд қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ва яратилган МКли компьютерлаштирилган система баён қилинган.

Биз томондан ядроларнинг БМни қайд қилиш тизими яратилган бўлиб, унда ядроларнинг бирламчи БМни қайд қилиш масс-спектрометрнинг фокал текислигидаги детектрлаш камерасида (ДК) зарядларга сезгир бўлган олдкучайтиргич (предусилитель)лар билан боғланган, юзаси 60х60 мм^2, стрипининг кенглиги 1,8 мм бўлган координатали 32 стрипли кремнийли ярим ўтказгич детекторида ZENIT-A типидаги микросхемаларда амалга оширилади.

Система ҳар бирида 4 тадан спектрометри бўлган 8 та модулни ўз ичига олади. 4-расмда 4 каналли спектрометр модули (МС-4х)нинг схемаси кўрсатилган. Модулда спектрометрик кучайтиргич ва сақлашни танлаш қурилмаси (УВХ)ни ўз ичига олувчи 4 амплитудавий анализатор мавжуд. Модулнинг асосини С8051F27 типидаги МК ташкил этиб, унда аниқлик даражаси юқори 10 битли АЦП (АРЎ), тўртта спектрни тўплаш ва сақлаш

учун 8к×8 бит сиғимли хотира, I^2C ташқи боғланиш қурилмаси, УВХни бошқариш портлари мавжуд. Сигнал стрипнинг олдкучайтиргичидан МС-4х.нинг киришларидан бири орқали унга мос келувчи спектрометрга келиб тушади. Айтайлик, сигнал МС-4х спектрометрик модулининг S1 киришига келиб тушади. Ундан кейин сигнал икки томони очиқ канал бўйлаб DA1 спектрометрик кучайтиргич ва DA2 масштаблаштирувчи кучайтиргичлар орқали DA3 микросхемада тайёрланган УВХга, ундан кейин эса МК АЦПсининг ANO 1 киришига келади. Бир вақтнинг ўзида сигнал УВХдан МК компараторининг CP1+ киришига келиб тушади. Компаратордан келган сигнал орқали мос спектрометрнинг АЦПси ишга тушади. АЦПда ўзгартириш амалга оширилгандан кейин МКнинг P1.4 порти VG1 калитининг IN4 киришига импульсни узатади ва S4-D4 калитли ушбу калит УВХ сиғимини ерга улайди. Натижада УВХ “нулга айланади” ва спектрометр янги сигнални қабул қилиш учун тайёр бўлади. Рақамлаштирилган сигнал МК хотирасида қайд қилинаётган заррачанинг энергиясига мос келувчи ячейкасида берилган амплитуда билан эслаб қолинади, шу тариқа спектр шаклланади. Ҳар бир спектр тўпланади, эслаб қолинади ва ўлчашлар охирига етганида ёки операторнинг талаби билан МС-4х.нинг барча модуллари ўлчанган спектрларни бошқариш модули (МУ) орқали 1024х16 бит форматдаги маълумотлар массиви кўринишида ПКга узатади. МУнинг схемаси (5-расм) электр таъминотини, ҳар бир МС-4х га буйруқ беришни ва улардан маълумотлар қабул қилиб олишни амалга оширади. МУ, шунингдек, кучланишнинг 1 В/с.дан чизиқли ошиб боришини ёки камайиб боришини таъминловчи детекторнинг бошқариладиган юксак кучланишли электр таъминоти стабилизаторини ҳам ўз ичига олади. Компьютер билан боғланиш (1000 м.гача) интерфейс кўприги (МИ) RS485 – USB орқали амалга оширилади (6-расм). ПКга ўлчашнинг барча параметрлари юкланади. ПК программаси дарчасида системанинг вертуал ташкил этувчиларини бошқарувчи тўртта панел мавжуд. Унинг марказида 32та спектрлардан бирини акс эттирувчи графиклар дарчаси жойлашган бўлиб, спектрлардан қай бирини танлаш оператор томонидан уларга мос келувчи тугмани босиш орқали амалга оширилади.

МК учун **дастур таъминоти** С-тилида, ПК учун эса BorlandC++ Builder6да ёзилган. Дастурнинг интерфейси махсус ўрганишни талаб қилмайди, Windows-XP муҳитида ишлашни билиш ва иш тажрибасига эга бўлишнинг ўзи етарли.

Қайд қилиш тизимининг конструкцияси учта алоҳида блок кўринишида амалга оширилган: 1 – масс-спектрометрнинг фокал текислигида жойлашган зарядга сезгир кучайтиргич (ЗЧП); 2 – таркибида МС-4Х модулларини улаш учун 8 та разёмга эга бўлган МУ платаси, стабиллашган электр таъминоти узеллари, бошқариш ва боғланиш схемалари жойлашган электроника блоки; 3 – 2- блокни ўлчаш хонасида жойлашган ПК билан боғловчи интерфейс кўприги (МИ).

Система амплитудаси нулдан максимал қиймат – БМ энергиясига мос келувчи ~ 100 МэВгача чизиқли ошиб борувчи манфий қутбланган

импульслар бериш орқали синаб кўрилди. Чизиқлилик барча 32 спектрометрлар учун ва система параметрларининг стабиллиги узоқ вақт (~ 48 соат) давомида ўлчанди.

Бундан кейин ўз-ўзидан (спонтан) бўлинувчи радиоактив манба ^{252}Cf билан синаб кўрилди. БМнинг энергиявий спектрлари барча 32 стриптлар бўйича яхши мос келди. 7-расмда 14 стрипт учун ^{252}Cf манбасининг БМ спектрлари кўрсатилган. Чапдаги максимум энергияси E_α=6,118 МэВ бўлган α - заррачаларга, кейингилари эса ^{252}Cf манбасининг спектрига, ўнгдаги максимум эса генераторнинг 110 МэВлик таянч сигналига мос келади.

Импульсли сигналлар ва ^{252}Cf манбаси билан қилинган тест натижалари системанинг юқори даражадаги спектрометрик параметрларга эга эканлигини кўрсатди.

Кейинги босқич реактор нейтронлари таъсиридаги реал нишонлар ёрдамида детектрловчи системанинг калибровкасини амалга ошириш бўлди. Нишон жойлашган жойдаги иссиқлик нейтронлари оқими $\Phi_т$ = 1,8×10^{12} нейтрон/см^2 .га, кадмий нисбати эса $\Phi_т/\Phi_б \cong$ 25га мос келди. Al тагликка пуркалган, қалинлиги 150 мкг/см^2, актив қатлами 40×5 мм^2 ўлчамга эга бўлган 90% ли бойитилган ^{235}U нишонидан фойдаланилди. БМни ўлчаш қуйидаги ораликда амалга оширилди: масса сонлари A=125-156, энергиялар E_x = 55-85 МэВ ва зарядлар 18 ≤ z* ≤ 29. Дастлабки детектрлаш шиша асосидаги қаттиқ жисм детекторларида, кейинчалик эса таҳлилни таққослаш учун Si-стрипли координата детекторларида амалга оширилди.

Аввалги тажрибаларда ^{235}U ядроларинг ВВР-СМ реактори иссиқлик нейтронлари билан БМни детектрлаш учун ўлчамлари 40×60 мм^2 бўлган шиша пластинкаларидан фойдаланилган эди. Ядроларнинг кўпзарядли БМ электростатик анализатордан, ундан кейин масс-спектрометрнинг магнит майдонидан ўтишлари натижасида максимумлардан ташкил топган спектр ҳосил бўлади. Детектрлаш камераси (КД)нинг ўлчамлари конденсатор қопламаларига берилган кучланишнинг ва магнит майдонининг бирор қийматида тўлиқ спектрни олиш имконини бермайди, шунинг учун турли магнит майдонларида спектрнинг фрагментлари ўлчанган. Тўлиқ спектрни олиш учун фрагментлар ҳар иккала томондан 25% лик ўзаро кесишувга эга бўлган. Нурлантиришдан кейин пластинкалар микроскоп остида 0,2 мм қадам билан қаралган. ^{235}U.нинг БМ спектрининг фрагменти 7тагача максимумга эга бўлган. БМнинг тўлиқ спектрини олиш учун фрагментларни бир-бирларига мослаштириш ва масштабни метрик масштабдан X ўқи учун M/Z* бўйича масштабига алмаштириш керак бўларди, бунинг учун эса алмаштиришнинг аппарат функциясини топиш керак эди. Ундан кейин эса спектр максимумларини ташкил этувчи гауссианларга ёйиш керак бўларди. Бу ишни қўлда бажарилганда жуда катта вақт сарфлашни талаб этарди. Тўлиқ спектрни олиш ва уни гуссианларга ёйишни тезлаштириш учун чизиқли ўлчамлардан M/Z* бирликларга ўтиш жараёнини автоматлаштириш лозим бўлар эди.



4-расм. Спектрометр модули (МС-4х)нинг принципиал схемаси.



5-расм. Бошқариш модули (МУ)нинг принципиал схемаси.



6-расм - RS485 – USB интерфес кўпригининг приципиал схемаси қайд қилинган ҳодисалар.



7-расм ^{252}Cf манбасининг 14 стрипда олинган энергетик спектри.



8-расм. 32-каналли Si - стрипли детектор билан ^{235}U ядролари БМнинг M/Z* диапазонда олинган спектри.

Биз тўлиқ спектрни олиш ва уларнинг максимумларини гауссианларга ёйишни амалга ошириш учун M/Z* ўтишларнинг аппарат функциясини

олиш, фрагментларни бир-бирига улашга имкон берувчи тажриба натижаларини компьютерда қайта ишлаш имконини берувчи дастур ишлаб чиқдик.

Дастурнинг биринчи қисмида, электростатик анализаторнинг юксак кучланишини ва масс-спектрометр магнит майдонининг катталигини ҳисобга олган ҳолда:

$$M/Z^* = 4.697 + 5.276\times10^{-3}L + 3.51\times10^{-6}L^2 \qquad (1)$$

полином кўринишидаги L (мм)дан M/Z*га ўтиш аппарат функциясининг функционал боғлиқлиги топилди.

Дастурнинг иккинчи қисмида тажрибавий маълумотларни киритгандан кейин бутун спектрни қуриш амалга оширилиб, унда унча катта бўлмаган ораликдаги спектр фрагментлари бўлаклари коррдинаталарини мувофиқлаштириш ва уларни кесиш назарда тутилган. Тажрибавий максимумларни ёйишда ҳар бир M ва Z* учун M/Z* ўқи бўйича Гаусс тақсимотининг нормал функциясидан фойдаланилади. Ундан кейин натижавий спектрни қуриш билан гауссианларга ажратиш ва уни реал спектр билан солиштириш амалга оширилади. Ундан сўнг эса мослаштирган гауссианлар амплитудаси бўйича такроран ўтган ҳолда гауссианлар амплитудаси тўғриланади ва охирги натижавий спектрни қуриш иши амалга оширилади.

9-расмда қайд қилинган ҳодисаларнинг барча магнит майдонлари қийматларида кучланишнинг бир қиймати учун электростатик сепаратор пластинкаларида ёзиб олинган, 15 фрагментдан йиғилган БМнинг тўлиқ спектри келтирилган.

10-расмда БМ M/Z* буйича умумий спектрининг бир қисми кўрсатилган. Ёйилган гауссианлар ва барча гауссианларнинг йиғиндиси сифатидаги натижавий эгри чизиқнинг тажрибавий нуқталар билан жуда яхши мос келиши яхши кўриниб турибди.



9-расм. 15 магнит майдони учун бир хил кучланишда барча қайд қилинган ҳодисалар спектрининг M/Z* шкала бўйича умумий кўриниши.



10-расм. M/Z* шкала бўйича гауссианларга ёйилган умумий спектрнинг бир қисми: устида нуқта қўйилган узлуксиз чизиқ билан тажрибавий спектр, узлуксиз чизиқлар билан спектрни гауссианларга ёйиш натижаси, узликли чизиқ билан гауссианларни қўшиш натижаси кўрсатилган.

ХУЛОСА

«8 битли микроконтроллерлар асосида спектрометрларни компьютеризациялаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича филсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги маълумотлар олинди:

1. Юқори даражадаги интеграцияловчи микросхемаларни қўллаган ҳолда дискрет электроника базасида, IBM-PC типидаги компьютердан бошқарилувчи КСВУ-12 ни модернизациялаш амалга оширилди.
2. МДР-12 базасида IBM-PC типидаги компьютердан бошқарилувчи микроконтроллерли оптикавий спектрометр яратилди, унинг асосини “Microchip” компаниясида ишлаб чиқилган кўпкаррали дастурланувчи PIC18F448 микроконтроллери ташкил этиб, у спектрометрни созлаш (юстировкалаш), узлуксиз сканирлаш, қадамли сканирлаш ва бир тўлқин узунлигидаги вақт бўйича ёйиш каби тўрт режимдан бирида ишлаш имкониятини беради. Спектрометр ўзгармас ток ёки импульс режимида ўлчанадиган оптикавий спектрларни мониторда акс эттиради.
3. Чегарадан ташқарида максимуми бўлган ҳол учун оптикавий спектрларни Гаусс ташкил этувчиларига ёйишнинг алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди.
4. ВВР- СМ ядро тадқиқот реакторидан иссиқ нейтронлар билан оғир ядроларнинг бўлиниши бўйича экспериментлар учун масс-спектрометрнинг фокал текислигида зарядланган БМ детекторлашнинг «on-line» электрон 32 каналли оригинал системаси яратилди ва синовдан ўтказилди. Система 8 битли SiLabs фирмасининг C8051F127 микроконтроллерлари базасида 32 стрипли ярим ўтказгичли детекторлардан фойдаланиш билан ишлайди, олисдаги компьютерга бўлиниш маҳсуллари фазовий тақсимоти, унинг миқдори ва энергияси ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва узатади.
5. МК ва ПК учун 32 каналли детектрлаш системасини бошқариш дастурлари ишлаб чиқилди ва созланди. ПК орқали бошқариладиган система маълумотларни МКда дастлабки тўплаш ва уларни ПКда сақлаш ишларини амалга оширади.
6. Спектрометр фокал текислигининг чизиқли ўлчамлардан (L, мм) M/Z* бирликларидаги координаталарга ўзгартиришнинг иккинчи даражали полином кўринишидаги аппарат функцияси олинди.
7. Масс-спетрометрда магнит майдонининг турли қийматларида ва бир хил кучланишда олинган фрагментлар бўйича умумий спектрни қуриш учун алгоритм ва дастур ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, дастур ^{235}U ядроларининг масса ва зарядларнинг кенг соҳасида олинган спектрларини гауссианларга ёйиш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ, АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ

НЕБЕСНЫЙ АНАТОЛИЙ ФЁДОРОВИЧ

КОМПЬЮТЕРИЗАЦИЯ СПЕКТРОМЕТРОВ НА БАЗЕ 8-БИТНЫХ МИКРОКОНТРОЛЛЕРОВ

01.04.01- Приборы и методы экспериментальной физики

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2019.1.PhD/T973.

Докторская диссертация выполнена в Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научныйруководитель:	**Ашуров Мухсин Хуррамович,** доктор физико-математических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	**Ражапов Сали Ашурович** доктор физико-математических наук
	Вильданов Рамиль Рифгатович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Научно-технический центр с конструкторским бюро и опытным производством Академии наук Республики Узбекистан, г.Ташкент**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Разового научного совета на базе Научного совета DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики, Астрономическом институте, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, пос.Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289-31-18; факс: (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100214, г.Ташкент, поселок Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289-31-19).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 г.).

М.Ю. Ташметов
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Э.М.Турсунов
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

И. Нуритдинов,
председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время компьютеризация с использованием микроконтроллеров (МК) в различных областях науки, техники и промышленности обеспечивает получение значительного экономического и социального эффекта в мире. Компьютеризация - процесс внедрения компьютеров, обеспечивающих автоматизацию информационных процессов и технологий в различных сферах человеческой деятельности, а её цель состоит в улучшении качества жизни людей за счет увеличения производительности и облегчения условий труда. Компьютеризация спектрального анализа – одно из определяющих направлений развития инструментальных методов. Анализ структуры, состава и свойств веществ – неотъемлемое звено всех современных технологий. Многие спектрометры, произведенные ранее до эры компьютерной автоматизации, по своим характеристикам, не уступают современным, а по некоторым возможностям даже превосходят их. Единственный их недостаток – они не компьютеризированы. Оптимальное решение их компьютеризации - применение МК.

Во всем мире производство МК превратилось в важную отрасль индустрии, на которую приходится порядка 90% годового производства всех микропроцессоров. С появлением МК связывают начало эры массового применения компьютерной автоматизации в области управления. В 1980 году, Intel выпускает МК: i8051. Удачный набор периферийных устройств по отношению к процессору МК, удобство выбора внешней или внутренней программной памяти и приемлемая цена обеспечили этому МК успех на рынке. С тех пор число производителей МК и их номенклатура постоянно растут. Благодаря применению МК в качестве устройств сопряжения компьютеров (ПК) с экспериментальной техникой повышается качество и скорость обработки данных в современном физическом эксперименте.

В настоящее время в Узбекистане уделяется большое внимание развитию экспериментальных методов и систем спектрального анализа. Наряду с применением современных автоматизированных спектрометров, становится актуальным компьютеризировать ранее приобретенные спектральные приборы, не уступающие современным по своим характеристикам. В связи с этим, разработка электронной системы для компьютеризации спектрометров с целью повышения качества научно-исследовательских работ и снижения зависимости от импорта является одной из приоритетных задач. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017–2021 гг.[2] определены задачи для выполнения программы по импортозамещению в области автоматизации, для чего необходимо стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, создание при высших образо-

[2]Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 г.

вательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков.

Данное диссертационное исследование в определённой степени соответствует задачам, обозначенным Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 7 февраля 2017 года, №ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения иновационных идей, технологий и проектов” от 27 апреля 2018 года, №ПП-3698 “О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» от 7 мая 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной области деятельности

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение»

Степень изученности проблемы. Задача компьютеризации спектрометрических приборов и систем решается многими учеными мира, например: английскими (T. Hirschfeld), российскими (Давыдов А.Е., Ухов А.А., Васильева И. Е., Шабанова Е.В., Замятин Н.И.), украинскими (А.Ф. Даниленко) и другими специалистами выполнен большой объем работ по компьютеризации спектрометров в самых разных областях науки и техники. Применение МК во всех этих работах позволило существенно улучшить их параметры.

Узбекистанские ученые (Ашуров М.Х., Гасанов Э.М., Валиев У.В., Коблик Ю.Н., Артемов С.В. и др.) также занимались решением задач по компьютеризации спектрометров и других установок.

Имеющаяся в Узбекистане аппаратура, по своим характеристикам, и сейчас не уступает, а порой и превосходит зарубежные образцы, например: автоматизированные комплексы спектрометрические вычислительные универсальные типа КСВУ-2, КСВУ 6, КСВУ -12, КСВУ 23, с управлением от ЭВМ советского производства, на базе монохроматора дифракционного решетчатого (МДР). Хотя системы управления и программное обеспечение КСВУ морально и физически устарели, находятся, как правило, в нерабочем состоянии, однако сами МДР, входящие в состав комплекса, могут использоваться на современном уровне. Основное препятствие их использования – их шаговый двигатель, для которого нужна цифровая система управления. В масс-спектрометре для регистрации продуктов деления (ПД) в ядерно-физических исследованиях использовались одноразовые твердотельные детекторы (стеклянные пластинки), располагавшиеся в фокальной плоскости магнитного сепаратора. Однако, работы по обработке результатов требовали больших временных затрат из-за необходимости установки этих детекторов, экспонирования ПД на них, съёма и последующей химической обработки детекторов, а затем подсчета числа событий в ручном режиме. Указанные

выше недостатки спектрометров приводят к проблемам в эксплуатации и ограниченным возможностям для решения целого ряда задач.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов Института ядерной физики по темам: Ф-2.1.13 «Нестационарные радиационные процессы в волоконно-оптических и сцинтилляционных материалах» (2003-2007), ФА -Ф2-Ф065 + Ф071 «Термо- и радиационно-стимулированные явления в твердых растворах замещения и внедрения» (2007-2011), ФА-Ф2-Ф078 «Исследование кластерной структуры актинидных ядер и процессов их бинарного деления реакторными нейтронами в сильно асимметричной области массовых распределений» (2007-2011), Ф2-ФА-Ф112 «Экспериментальные исследования свойств и состояний ядерной материи при высоких и низких энергиях» (2012-2016), Ф2-ФА-Ф118 «Закономерности радиационно-стимулированных явлений в оксидных и фторидных твердотельных материалах, применяемых в качестве детекторов ионизирующих излучений» (2012-2016).

Целью исследования является разработка и создание средств автоматизации физического эксперимента в оптической и ядерной спектрометрии на основе 8-битных МК PIC18F448 и C8051F127, разработка методов обработки экспериментальных результатов для разложения спектров на гауссианы, в том числе оптических в присутствии запредельного пика.

Задачи исследования:

модернизация электронной системы комплекса спектрометрического вычислительного универсального (КСВУ-12) с использованием микросхем без микроконтроллера;

замена всей электроники КСВУ-12 на один МК модуль, для управления монохроматором, сбора данных с отображением в режиме реального времени и их обработкой;

модернизация измерительной установки масс-спектрометра, включающая оснащение её Si 32-х стриповыми детекторами и электроникой регистрации ПД в режиме реального времени;

разработка и создание программ для накопления и обработки экспериментальных данных с целью получения информации о кинетических энергиях регистрируемых ПД.

Объектами исследования являются система управления МДР-12 и спектры оптических объектов; система управления и регистрации ПД на масс-спектрометре ИЯФ АН РУз и спектры ПД ядер ^{235}U, образующихся в результате воздействия тепловыми нейтронами от исследовательского реактора ВВР-СМ ИЯФ АН РУз.

Предметами исследования являются компьютеризированная электронная система на базе МК PIC18F448, обеспечивающая управление монохроматором МДР-12 от персонального компьютера (ПК), сбор и обработку данных; компьютеризированная электронная система на базе МК

C8051F127, организованных в мульти-микроконтроллерную систему регистрации ПД на масс-спектрометре ИЯФ АН РУз с управлением от ПК.

Методы исследований. Спектрометрический метод анализа спектров оптических материалов в присутствии запредельного максимума; масс-спектрометрический метод анализа линейчатых спектров продуктов деления ядер ^{235}U; математические и вычислительные методы обработки экспериментальной информации, метод суперпозиции спектров и др.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

разработана микроконтроллерная система управления монохроматором МДР-12, сбора, обработки и сохранения данных по командам ПК, с отображением на мониторе оптических спектров, измеряемых на постоянном токе или в импульсном режиме;

